## Протокол закупочной комиссии по конкурсу лот № 117151 на приобретение аутсорсинг

Способ проведения электронный

Дата 08.07.2022

Время рассмотрения 08.07.2022 14:02

Конкурсная комиссия Жиззах вилоят юкумли касалликлар шифохонаси, (Далее – Комиссия) в составе:

| | | | |
|---|---|---|---|
| **Председатель комиссии** | ACHILOV JAMSHID BAXTIYOROVICH | рахбар уринбосари | Юкумли касалхонаси |
| **Секретарь комиссии** | ELMURODOVA SANOBAR AXMADOVNA | хамшира | Юкумли касалликлар шифохонаси |
| **Член комиссии** | YARBAYEV SIROJIDDIN ALIQULOVICH | бош хисобчи | Юкумли касалликлар шифохонаси |
| **Член комиссии** | TURATOVA NARGIZA SAG'DULLAYEVNA | катта хамшира | Юкумли касалликлар шифохонаси |
| **Член комиссии** | RADJAPOV FARRUX ISMATOVICH | иктисодчи | Юкумли касалликлар шифохонаси |
| **Член комиссии** | XAYDAROV TEMUR SADULLA O'G'LI | провизор | Юкумли касалликлар шифохонаси |

Рассмотрев поступивших предложений со стороны участников по опубликованному объявлению на специальном информационном портале от 08.07.2022 года № лота 117151.
Метод оценки предложений – Бальный метод (Весовой коэф.технико-квалификационной части: 90.00 / Весовой коэф. ценовой части: 10.00)

Мин. балл: 40

Предмет закупки:

| | |
|---|---|
| **Наименование товара (работы, услуги)** | **Услуги по аутсорсингу приготовления еды** |
| Подробное описание | иссик овкат учун |
| Количество товара | 1.00 |
| Единица измерения | |
| Цена товара (услуги) за единицу | 95 000 000.00 |
| Стартовая сумма | 95 000 000.00 |
| Валюта | UZS |

По итогам рассмотрения поступивших предложений по технической части участникам присвоены следующие баллы:

Критерий №1 Танлов иштирокчисининг банк кучирмаси ва баланс нусхаси

Тип: Текстовое значение

Описание: Танлов иштирокчисининг банк кучирмаси ва баланс нусхаси

Обязательность: Не критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **ЧП THE BEST INDUSTRIAL** | 20 | Танлов иштирокчисининг банк кучирмаси ва | 19 | Экспертная | | |

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | | баланс нусхаси | | | | |
| **DE-FAKTO MCHJ** | 20 | 1 | 18 | Экспертная | | |

Критерий №2 Танлов иштирокчисининг техникалари тугрисида малумот

Тип: Текстовое значение

Описание: Танлов иштирокчисининг техникалари тугрисида малумот

Обязательность: Не критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **ЧП THE BEST INDUSTRIAL** | 20 | Танлов иштирокчисининг техникалари тугрисида малумот | 20 | Экспертная | | |
| **DE-FAKTO MCHJ** | 20 | 1 | 18 | Экспертная | | |

Критерий №3 Танлов иштирокчисининг доимий ишчилари тугрисида малумот

Тип: Текстовое значение

Описание: Танлов иштирокчисининг доимий ишчилари тугрисида малумот

Обязательность: Не критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **ЧП THE BEST INDUSTRIAL** | 20 | Танлов иштирокчисининг доимий ишчилари тугрисида малумот | 19 | Экспертная | | |
| **DE-FAKTO MCHJ** | 20 | 1 | 18 | Экспертная | | |

Критерий №4 Танлов иштирокчисининг тажрибаси

Тип: Текстовое значение

Описание: Танлов иштирокчисининг тажрибаси

Обязательность: Не критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **ЧП THE BEST INDUSTRIAL** | 20 | Танлов иштирокчисининг тажрибаси | 20 | Экспертная | | |
| **DE-FAKTO MCHJ** | 20 | 1 | 18 | Экспертная | | |

Оценка участников финансовой части составила:

| Наименование участника | Стартовая сумма | Предлагаемая сумма | Сумма с учетом конвертации (UZS) | Применение преференции | Общее значение (UZS) | Дата предложения | Оценка стоимости (балл) |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| **DE-FAKTO MCHJ** | 95 000 000.00 | 94 800 000.00 UZS | 94 800 000.00 | 00.00 | 94 800 000.00 | 07.07.2022 13:56:58 | 09.97 |
| **ЧП THE BEST INDUSTRIAL** | 95 000 000.00 | 94 500 000.00 UZS | 94 500 000.00 | 00.00 | 94 500 000.00 | 07.07.2022 13:50:22 | 10.00 |

Итоговая оценка участников включая финансовой части составила:

| Наименование участника | Общий балл по технической части | Общий балл по финансовой части | Итоговый балл |
|---|---|---|---|
| **DE-FAKTO MCHJ** | 81 | 9.96835 | 90.96835 |
| **ЧП THE BEST INDUSTRIAL** | 87.75 | 10 | 97.75 |

Закупочная комиссия по конкурсу лот № 117151 от 08.07.2022 года на приобретение аутсорсинг определила победителем:

ЧП THE BEST INDUSTRIAL
306829552

и резервный исполнитель: DE-FAKTO MCHJ (305805734)

Проголосовали

| Комиссия | Ф.И.О. | Голосование | Комментарии |
|---|---|---|---|
| **Член комиссии** | RADJAPOV FARRUX ISMATOVICH | Согласен | |
| **Председатель комиссии** | ACHILOV JAMSHID BAXTIYOROVICH | Согласен | |
| **Член комиссии** | YARBAYEV SIROJIDDIN ALIQULOVICH | Согласен | |
| **Член комиссии** | XAYDAROV TEMUR SADULLA O‘G‘LI | Согласен | |
| **Член комиссии** | TURATOVA NARGIZA SAG‘DULLAYEVNA | Согласен | |

Протокол закупочной комиссии подписан посредством ЭЦП

**Жиззах Вилоят Юкумли кассаликлар шифохонаси**
**Б А Ё Н  Н О М А С И**

«15» июль 2022 йил | №5 | Жиззах шахри

**Кун тартиби: Аутсорсинг хизмати тўғрисида**

Катнашдилар: Ж.Ачилов- Бош врач уринбосари
С.Ярбаев-Бош хисобчи
Ф.Раджабов-иктисочи
Н.туратова-катта хамшира
Т.Хайдаров-правизор
С.Элмурадова- котиб

Ушбу йиғилиш 22110012117151 лот бўйича Аутсорсинг иссиқ овқат билан таминлаш хизмати бўйича давлат харидларига куйилган элон буйича 15.07.2022 йил соат 14-00 да танлов булиб утди. Ушбу танловда “THE BEST INDUSTRIAL” XK ва “DE FAKTO” М Ч Ж корхоналари иштирок этди. Бу танловда энг яхши таклиф 94 500 000 сўм, ва юқори балл билан “THE BEST INDUSTRIAL” XK корхонаси 2 кун мухокамада бўлиб, хеч қандай этироз бўлмаганлиги сабабли танлаб олинди.

Йиғилиш қатнашчилари:

| | |
|---|---|
| **Ж.Ачилов** | **Бош врач уринбосари** |
| **С.Ярбоев** | **Бош хисобчи** |
| **Ф.Раджабов** | **Иктисодчи** |
| **Н.Туратова** | **Катта хамшира** |
| **Т.Хайдаров** | **Правизор** |
| **С.Элмуродов** | **котиб** |

Аутсорсинг шартлари асосида хизматларни кўрсатиш бўйича

Жиззах шахри ШАРТНОМА№ 15

Жиззах вилоят Юкумли касалликлар шифохонаси номидан Низом асосида фаолият юритувчи рахбар «_ _» _ИЮЛЬ 2022 йил

**Б.М. Абдурахмонов** (кейинги ўринларда Буюртмачи деб аталади) бир томондан **"THE BEST INDUSTRIAL" хусусий корхонаси** номидан Устав асосида фаолият юритувчи рахбари **О.Жуманов** (кейинги ўринларда Аутсорсер деб аталади), иккинчи томондан кейинчалик Томонлар деб аталади, ушбу Шартномани қуйидагилар тўғрисида тузди.

**I. Шартнома предмети**

1.1. Аутсорсер Буюртмачининг буюртмаси бўйича мазкур Шартноманинг 1.2-бандида кўрсатиб ўтилган хизматларни кўрсатиш, Буюртмачи эса ушбу хизматлар учун пул тўлаш мажбуриятини олади.

1.2. Аутсорсер мазкур шартноманинг 1.3-бандида кўрсатилган муддатдан бошлаб, у тугагунига қадар Буюртмачини талабномасига асосан хар куни Буюртмачида даволанаётган беморларни Пархез таомлар билан Ўзбекистон Республикасининг норматив-хуқуқий хужжатлари билан белгиланган санитария-гигиена нормалари ва қоидаларига риоя этган холда, Буюртмачи билан келишилган буюртмаларни бажариш жадвалига мувофик таъминлаш мажбуриятини, кейинги ўринларда Хизматлар деб аталади, ўз зиммасига олади.

1.3. Хизмат кўрсатиш муддати: 2022 йил «____» ______дан 2022 йил «31» ____12______гача.

1.4. Томонлар бажарилган ишларнинг йиғма далолатномаси ва Аутсорсер томонидан амалда кўрсатилган Хизматлар учун белгиланган тартибда расмийлаштирилган ҳисоб-фактура имзоланиб Буюртмачи Аутсорсернинг мазкур Шартномада кўрсатилган банк ҳисоб-рақамига пул маблағлари ўтказгандан сўнг Хизматлар кўрсатилган деб ҳисобланади.

**II. Томонларнинг хуқук ва мажбуриятлари**

2.1. **Аутсорсер қуйидаги ҳуқуқларга эга:**

2.1.1. Ижарага олинган мол-мулкдан фойдаланиш;

2.1.2. Ижарага олинган бино ва иншоотларнинг ички ва ташқи қисмида техник жиҳатдан жиҳозлаш ва таъмирлаш ишларини амалга ошириш;

2.1.3. Хизматлар таннархининг ўзгариши муносабати билан шартномага ўзгартириш киритиш таклифи билан чиқиш;

2.1.4. Кўрсатилган хизматлар учун ўз вақтида тўловлар амалга оширилишини талаб қилиш;

2.1.5. Кўрсатилган хизматлар қийматининг 20 фоизи миқдорида фойда олиш;

2.1.6. Буюртмачидан шартнома шартларининг бажарилишини талаб қилиш;

2.1.7. Қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқлар.

2.2. **Аутсорсер қуйидагиларга мажбур**:

2.2.1. Ижарага олинган бино ва иншоотлар, жиҳозлардан мақсадли ҳамда оқилона фойдаланиши, сақлаши, носоз ҳолга келганда уларни ўз ҳисобидан таъмирлаши. Фойдаланган коммунал харажатларни шартномада белгиланган тартибда қоплаши.

2.2.2. Аутсорсинг хизматини кўрсатишда техника, ёнгин, меҳнат муҳофазаси ҳамда санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативларига қатъий риоя этиши;

2.2.3. Товар (ишлар, хизматлар)нинг сифатли ишлаб чиқарилишини ва буюртмачига етказилишини таъминлаши;

2.2.4. Махфийлик тартибига қатъий риоя қилиши;

2.2.5. Шартномани бекор қилиш ҳақида буюртмачини икки ой олдин ёзма равишда огоҳлантириш, ушбу муддат тугагунига қадар эса буюртмачининг тегишли хизматларини узлуксиз ташкил этишни таъминлаши;

2.2.6. Хизматларни сифатли, мазкур Шартноманинг 1.3-бандида кўрсатилган муддатда ва тўлиқ ҳажмда кўрсатиши;

2.2.7. Хизматлар кўрсатиш жараёнида Аутсорсер мазкур шартнома шартларига амал қилмасдан, хизматлар сифатининг ёмонлашувига олиб келган барча камчиликларни Буюртмачининг талаби бўйича бир кун давомида бепул тўғрилаши;

2.2.8. Хизматларнинг сифатсизлиги, хизматларни бажариш учун вақтинча фойдаланишга бериладиган ишлаб чиқариш (хизмат кўрсатиш) хоналари ҳолати, шунингдек, тегишли инвентарларнинг санитария қоидаларига жавоб бермаслиги аниқланганда, Аутсорсер зудлик билан Буюртмачининг аниқланган камчиликларни бартараф этиш бўйича қонуний талабини бажариши;

2.2.9. Малакали, тажрибали, қўйилган вазифани (хизматни, ишни) амалга ошириш ҳуқуқини берувчи тегишли ҳужжатлари мавжуд бўлган, шунингдек, белгиланган тартибда ва муддатда тиббий текширувдан (кўрикдан) ўтган ходимларга (талаб этилган ҳолларда) хизматларни бажариш жараёнига рухсат этиши;

2.2.10. Ходимлар зиммасига Буюртмачининг ҳудудида одоб-ахлоқ қоидаларига, шунингдек, ички тартибга риоя қилиш мажбуриятини юклаши;

2.2.11. Хизмат кўрсатиш бўйича ишларни шахсан бажариши, мазкур Шартнома шартларини бажаришни учинчи шахсга топширмаслиги;

2.2.12. Мазкур шартнома шартларини бажариш доирасида Буюртмачи томонидан вақтинча фойдаланишга топширилган ускуналар, жиҳозлар, идишлар, асбоблар, мебеллар, инвентарлар ва бошқалар моддий воситаларни соз ҳолда сақлаши, таъмирлаши, шунингдек, биноларни таъмирлаши;

2.2.13. Томонлар имзолайдиган тегишли қабул қилиш-топшириш далолатномасини расмийлаштирган ҳолда, Буюртмачидан биноларни (хоналарни), ускуналарни, жиҳозларни, асбобларни, мебелларни, инвентарлар ва бошқалар моддий воситаларни қабул қилиб олиши;

2.2.14. Мазкур шартномани бекор қилиш ҳақида Буюртмачини икки ой олдин ёзма равишда огоҳлантириши, ушбу муддат тугагунига қадар эса Буюртмачига хизматларни узлуксиз кўрсатилишини таъминлаши;

2.2.15. Мазкур шартномага асосан Хизматларни кўрсатиш ишларига жалб этилган ходимларни ўқитишни (малакасини оширишни) амалга ошириши (талаб этилган ҳолларда);

2.2.16. Қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятлар.

2.3. **Буюртмачи қуйидаги ҳуқуқларга эга:**

2.3.1. Товарлар (ишлар, хизматлар) сифатли ишлаб чиқарилиши (бажарилиши, кўрсатилиши)ни талаб қилиш;

2.3.2. Аутсорсернинг фаолиятига аралашмаган ҳолда, шартнома шартларининг бажарилишини назорат қилиш;

2.3.3. Шартномани бекор қилиш тўғрисида 10 кун олдин Аутсорсерни ёзма равишда огоҳлантириш, бунда кўрсатилган хизматларнинг қийматини белгиланган тартибда тўлаш;

2.3.4. Қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқлар.

2.4. **Буюртмачи қуйидагиларга мажбур**:

2.4.1. Бажарилган ишларнинг йиғма далолатномаси ва расмийлаштирилган ҳисоб-фактура асосида кўрсатилган хизматлар учун амалдаги нархлар бўйича бир ойда камида бир марта Хизматлар ҳақини тўлаши;

2.4.2. Аутсорсерга мазкур Шартнома шартларини бажариш доирасида биноларни (хоналарни), ускуналарни жиҳозларни, асбобларни, мебелларни, инвентарлар ва бошқа моддий воситаларни вақтинча фойдаланишга бериши;

2.4.3. Қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятлар.

## III. Хизматлар нархи ва ўзаро хисоб-китоблар тартиби

3.1. Мазкур шартномага мувофик хизматлар нархи 94500.000 Тўқсон тўрт миллион беш юз минг суммани ташкил этади.

3.2. Аутсорсер томонидан кўрсатилган хизматлар учун ўзаро хисоб-китоблар бажарилган ишларнинг йигма далолатномаси ва расмийлаштирилган хисоб-фактура асосида, кўрсатилган хизматларнинг танарх кийматига аутсорсер томонидан белгиланган 20 фоиз устама фойдани кўшган холдаги хакикий киймати бўйича бир ойда камида бир марта амалга оширилади.

3.3. Кўрсатиладиган хизматларнинг амалдаги сони хакидаги маълумотлар ва хизматларнинг хакикий киймати асосида Буюртмачи кундалик буюртмага мувофик Аутсорсер билан биргаликда хар ўн кунда, тўланиши лозим бўлган суммаси кўрсатилган, Аутсорсер ва Буюртмачи томонидан имзоланадиган бажарилган ишларнинг йигма далолатномаси тузилади ва хисоб-фактура расмийлаштиради.

3.4. Буюртмачи томонидан амалда кўрсатилган хизматларнинг хакикий киймати белгиланган тартибда расмийлаштирилган бажарилган ишлар далолатномаси ва хисоб-фактура олинган вактдан бошлаб, 10 банк куни давомида Шартномада белгиланган суммадан ортик бўлмаган микдорда тўланади.

3.5. Мазкур Шартномада кўрсатилган, шартноманинг прогноз суммасини хисоблаш учун хизматларнинг нархлари томонлардан бирининг ташаббуси билан кайта кўриб чикилади.

3.6. Аутсорсер томонидан фойдаланилган табиий газ ва электр энергия харажатлари алохида ўрнатилган газ ёки электр хисоблаш ускуналари кўрсаткичларига караб тарафлар ўртасида имзоланган далолатномага асосан копланади.

## IV. Томонларнинг мажбуриятлари

4.1. Аутсорсер шартнома мажбуриятларини ўз вактида бажармаган холларда, Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган хар бир кун учун мажбуриятнинг бажарилмаган кисмининг 0.5 фоиз микдорида пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси кўрсатилмаган хизматлар нархининг 50 фоизидан ошмаслиги керак.

4.2. Буюртмачи кўрсатилган хизмат хакини тўлашни шартномада белгиланган муддатдан кечиктирганда, кечиктирилган хар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,5 фоиз микдорида пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси кечиктирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ошмаслиги керак.

4.3.Пеня (жарима) тўлаш Томонларнинг зиммасидаги мажбуриятларини бажаришдан ёки бузилишларни бартараф килишдан озод этмайди.

4.3. Мазкур Шартнома шартларининг бажарилмаслиги ёки тегишли даражада бажарилмаслиги учун Томонлар Ўзбекистон Республикасининг Фукаролик кодекси, «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-хукукий базаси тўгрисида»ги Конуни хамда бошка норматив-хукукий хужжатларида назарда тутилган жавобгар бўладилар.

## V. Мунозарали вазиятларни хал этиш тартиби

5.1. Мазкур Шартномани бажаришда юзага келиши мумкин бўлган низолар ва келишмовчиликлар имкон кадар Томонлар ўртасида музокара ўтказиш йўли билан хал этилади.

5.2. Низолар ва келишмовчиликларни Томонлар ўртасида музокара ўтказиш йўли билан хал этиб бўлмайдиган холатларда, Ўзбекистон Республикаси конунчилигида назарда тутилган келишмовчиликларни суддан олдин бартараф килиш тартиб-таомили амалга оширилгандан сўнг улар Ўзбекистон Республикаси конунчилигида белгиланган тартибда иктисодий судга кўриб чикиш учун берилади.

## VI. Форс-мажор холатлар

6.1. Томонлар мажбуриятлар кисман ёки тўлик бажарилмаганлиги учун, агар бундай холатлар енгиб бўлмас куч, яъни табиий офатлар, табиий ва техноген тусдаги фавкулодда холатлар ва алохида давр окибати хисобланса ва давлатнинг тегишли органлари томонидан тасдикланса, жавобгарликдан озод килинади. Бунда мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати мутаносиб равишда ушбу ходисалар рўй берган муддатга сурилади.

## VII. Якунловчи коидалар

7.1. Ушбу Шартномага хар кандай ўзгартириш ва кўшимчалар факат улар ёзма шаклда расмийлаштирилиб, Томонларнинг ваколатли вакиллари томонидан имзолангандан ва Ғазначилик бўлимида рўйхатдан ўтказилгандан сўнг хакикий хисобланади. Мазкур Шартноманинг барча иловалари унинг ажралмас кисмини ташкил этади.

7.2. Томонларнинг хеч бири мазкур Шартнома бўйича ўз хукук ва мажбуриятларини бошка Томоннинг ёзма шаклдаги розилигисиз бирор бир учинчи томонга бериб юбориши мумкин эмас.

7.3. Ушбу шартнома икки нусхада тузилган. Иккала нусха айнан бир хил бўлиб, бир хил юридик кучга эга. Томонларнинг хар бирида мазкур Шартноманинг бир нусхаси бўлади.

## VIII. Шартноманинг амал килиш муддати

8.1. Ушбу Шартнома тарафлар томонидан имзоланиб, Ғазначилик бўлимида рўйхатдан ўтган пайтдан кучга киради ва 1.3-бандда белгиланган муддат давомида ёки муддатидан олдин бекор килингунига кадар амал килади.

## Тарафларнинг манзиллари ва банк реквизитлари:

**"Буюртмачи"**
**Вилоят Юкумли касалликлар шифохонаси**

Манзил: Жиззах шаҳри, А. Навоий кўча 4а уй
ИНН: 201672829 ОКОНХ 91511
Ш.х/в: **100021860084017073201054008**
Ўзб.Р. Молия вазирлиги ғазначилиги
Ҳ/р: 23402000300100001010
ИНН: 201122914
Марказий банк ББХККМ МФО: 00014

Раҳбар в\б: ____________ Б.М. Абдурахмонов
(Ф.И.Ш.)
(имзо)
М.Ў

**«АУТСОРСЕР»**
**THE BEST INDUSTRIAL" хусусий корхонаси**

Манзил: Бахмал тумани, Гулбулок ҚФЙ
х/р: 20208000605165603001
Тошкент ш. АТ "Алокабанк" бош офиси
МФО: 00401
СТИР: 306 829 552

Раҳбар: ____________ О. Жуманов
(Ф.И.О)
М.Ў

*Юрисконсульт* ____________ ____________

*Гув-ма №* ______ ___.___.____*й АБдан берилган*